

ЧЕТ ТИЛНИ КАСБИЙ ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА ЎРГАТИШ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336934>

п.ф.н. доцент Эркаев Э.Т.
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлик университети

Аннотация. Уибу мақолада таълим соҳасида рўй бераётган ўзгаришилар, таълим сифати, долзарблиги, чет тилни ўқитишнинг амалий аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Таянч сўзлар: чет тил, таълим сифати, таълим жараёни, тажриба, амалий аҳамияти.

Аннотация. В данной статье представлен анализ изменений в образовательной сфере, качество, актуальность, практический значимость при обучении иностранных языков.

Ключевые слова: иностранный язык, образовательная сфера, процесс, опыт, практический значимость.

Abstarct. This article shows the changes in the sphere of education, the quality of education, topicality and practical value of the teaching of foreign languages was described.

Key words: foreign language, educational sphere, process, experience, practical value.

Маълумки, чет тилни амалий эгаллаш шу тилда нутқий кўнимка ва малакаларни ҳосил қилиш демақдир. Кўникмалар лексика, грамматика, талафғуз бўйича, малакалар эса тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув фаолиятларида шакллантирилади.

Оддийроқ айтганда, чет тилда гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни нутқ фаолияти турлари сифатида эгаллаш алоҳида машқларни талаб этади. Чунончи, тил ва нутқ бирликлари ҳисобланмиш сўз, жумла, матн кабиларни ўрганишда машқларнинг бажарилиши методик жиҳатдан ўзини оқлайди

Бу эса касбий йўналиш доирасида тил билиш, сўзлашув кўникмаларига эга бўлиш ва ижтимоий–маданий ва коммуникатив–мулоқот малакаларини такомиллаштиришга хизмат қиласди. Нутқ фаолиятини ташкил қилувчи унсурлар – тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув кўникмаларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилади ва тегишли кўнимка ва малакалар такомиллаштирилади. Чет тилни амалий ўрганишда тор илмий соҳадаги хорижий манбалардан ахборот олиш, умумпедагогик, ижтимоий-сиёсий ва мутахассисликка оид (масалан: ҳарбий техника, қишлоқ хўжалигига оид) матнларни луғатсиз ва луғат ёрдамида ўқий олиш ва ўрганилган материал асосида оғзаки сухбатлашиш ва ўзгаларга ахборот бера олиш малакаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Талабаларнинг тил тажрибаси уч тилдан йигилган билим, кўнимка ва малакалар (компетенция) мажмууси (синтези) бўлиб, унинг ҳажми, қўлланиш кўлами, ўзаро боғлиқлиги масалалари методиканинг тил тажрибасини ҳисобга олиш принципига киради. Тил тажрибасини ҳисобга олиш деганда, талаба шу кунгача ўзбек, рус, чет тил (инглиз, испан, немис ёки француз тилидан) олган билим, кўнимка ва малаканинг ҳозир ўрганаётган чет тил материалини ўзлаштиришга салбий (интерференция) ёки ижобий (транспозиция/фасилитация) таъсири тушунилади. Масалан, чет тилдаги “артикл” аталмиш грамматик ҳодисани ўргатиш чоғида, унинг ўзбек тилида мавжуд эмаслиги туфайли мазкур грамматик категорияга оид artikel тушунчаси шакллантирилади. Оқибатда ўқувчи/талабанинг тил тажрибаси энди чет тилдаги “янгилик” билан бойийди [1].

Чет тилда матн устида ишлаш жараёнида янги сўзларни ўрганишда қуидаги техника мос келади:

- барча янги сўзларни, энг яхиси карточкаларга ёзib бориш; ҳар бир сўз битта карточкага ёзилади (олд томонига немисча – орқа томонига ўзбекча);
- карточкаларга имкон қадар кўпроқ сўзга алоқадор ва мазмун жиҳатидан боғлиқ матнлар ёзилиши лозим: мисоллар, чизмалар, грамматик маълумотлар, фонетик эслатмалар, ҳатто чет тилдаги ёрдамчи воситаларни ёзib қўйиш мумкин;
- доимо карточкаларни бирма-бир кўздан ўтказиш лозим, ўзлаштирилган карточкаларни четга қўйиш, ҳали ўзлаштирилмаганларини яна ёдлаш лозим бўлади; ҳаттоқи ўзлаштирилган сўзларни ҳам вақти-вақти билан такрорлаб туриш лозим;
- карточкаларни ҳар хил гуруҳларга ажратиш, жуфт сўзлар (масалан: синонимлар, антонимлар) сифатида семантик қаторда ўрганиш, қўшимча маълумотлар орқали тўлдириш ва б. [3:9].

Бир ва ундан ортиқ тилни эгаллашдан қатъий назар талабада (ҳар қандай кишида ҳам) муайян тил тажрибаси ҳосил бўлади. Тил ўқитишида уларни нутқий, лисоний ва лингвистик таркиблар тарзида талқин қилинади. Нутқий таркиб деганда, мулоқот малакаси, яъни ахборот етказиш ва ўзгалар фикрини идрок этиб тушуниш, лисоний тарафида эса ахборот олиш ва бериш мақсадида тил ҳодисаларидан фойдаланиш ва, ниҳоят, “лингвистик жиҳат”дан тил ҳодисаларига доир билимлар назарда тутилади. Ҳар уч қисм бир бутун “тил билиш” тушунчасини ҳосил қиласди [1].

Нутқий мавзулар ўрта мактаб шароитида (“Теварак-атроф”, “Мамлакатимиз”, “Тили ўрганилаётган мамлакат” ҳақида) чегараланган бўлса, олий ўқув юрти талабалари мазкур мавзулардан ташқари ўз соҳасида ҳам мулоқот юрита олиши керак. Чет тил олий ўқув юртида эса нутқий мавзулар чегараланган эмас, чунки талабалар эркин мулоқот олиб боришини, ҳатто оғзаки/ёзма таржима қила олишни ўрганадилар [1:357].

Нолисоний олий ўқув юртида матнни ўқиш иккита даражадан иборатлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган: 1) тилни тушуниш даражаси; 2) мазмунни тушуниш даражаси. Биринчи даражада тил бирликлариниг ўзаро боғлиқлиги содир бўлади. Иккинчи даражада эса рецептив – ўзга шахс нутқини идрок этиб, яъни ўқиб ёки тинглаб тушунишга эришилади. Биринчи йўналиш матн мазмуни ҳақида қисқача маълумотга эга бўлади. Иккинчи йўналишда эса олинган маълумотни қайта қўриб чиқиши имкониятига эга бўлади [6].

Чет тилни амалий ўрганишда нутқ мавзуларини танлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Чунончи, нутқий мавзуларни танлашда, албатта, ўқитиши методикасининг муайян мезонларига асосланади: (1) мавзулар нутқ малакаларини шакллантириш учун хизмат қилиши лозим; (2) ўқитиши шароити ва имкониятларининг мавжудлиги ҳисобга олинади; (3) мавзуларни танлашда ўзлаштиришнинг рецептив ва (ре)продуктив хусусиятларига эътибор қаратилади. Бинобарин, оғзаки нутқ ва ўқиши учун алоҳида мавзулар танланади.

Чет тилда нутқ фаолиятининг репродуктив (гапириш, ёзув) ва рецептив (tinglab тушуниш ва ўқиши) турларини эгаллаш бир-биридан фарқ қиласиган методикани қўллашни талаб этади. Бу эса чет тилни амалий эгаллашда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Jalolov J.J. Chet til o'qitish metodikasi: Chet tillar oliy o'quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik. – Toshkent: O'qituvchi, 2012. – 432 b.
2. Концепция непрерывного образования по иностранному языку// газета Учитель Узбекистана”. –1993. 28 июля –3 августа. – С. 2–3.
3. Кўп тиллилик нима учун керак? Warum Mehrsprachigkeit?. –T., 2017.

-
4. Эркаев Э.Т. Бўлажак чет тил муаллими таълимида қўлланадиган таржима машқларининг лингводидактик таснифи: Пед. фан. ном....дис. автореферати. –Тошкент, 2008. – 23 б.
 5. Шарапова С.И. Методика обучения студентов неязыкового вуза чтению профессиональных текстов с целью порождения различных форм вторичных высказываний (немецкий язык). Автореф. дис. ... канд. пед. наук. Ярославль, 2010. – 26 с.